



ЎЗБЕКИСТОН МАҲАЛЛАЛАРИ УЮШМАСИ
ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ СПОРТ ВАЗИРЛИГИ
ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ЁШЛАР ИШЛАРИ АГЕНТЛИГИ
ҚЎШМА ҚАРОРИ

“Беш ташаббус олимпиадаси” доирасида маҳаллаларда истикомат килувчи ёшлар ўртасида уч босқичли “Ўзбекистон Маҳаллалари уюшмаси кубоги” учун гандбол спорт тури бўйича мусобакани ўтказиш тўғрисида

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 11 апрелдаги “Маҳаллаларда ёшларни оммавий спортга жалб қилишни янги босқичга олиб чиқиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-201-сонли қарори, 2024 йил 21 февралдаги “Ўзбекистон - 2030” стратегиясини “Ёшлар ва бизнесни қўллаб-қувватлаш йили”да амалга оширишга оид давлат дастури тўғрисида”ги ПФ-37-сонли Фармони 34-мақсади ҳамда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2024-йил 16-февралдаги “Ёшларнинг бўш вақтини мазмунли ташкил этиш, иқтидор ва қобилиятларини янада қўллаб-қувватлашга қаратилган “Беш ташаббус олимпиадаси”нинг 2024 йилги мавсумини юқори савияда ташкил этиш ва ўтказиш тўғрисида”ги 28-сонли баёнида белгиланган вазифаларни амалга ошириш, жисмоний тарбия ва спорт билан мунтазам шугулланадиганлар сонини ошириш, маҳалла ёшларининг бўш вақтини мазмунли ташкил этиш, улар ўртасида гандбол спорт тури бўйича мусобақалар ташкил қилиш, спорт инфратузилмасини яхшилаш ва зарур спорт инвентарлари билан жиҳозлаш, спорт секциялари ва тўғарақлари фаолиятини ривожлантиришга кўмаклашиш, ёшларнинг бўш вақтларида спорт билан шугулланишлари учун шароит яратиш мақсадида Ўзбекистон Маҳаллалари уюшмаси, Спорт вазирлиги, Ёшлар ишлари агентлиги ҳамда Ўзбекистон гандбол федерацияси **ҚАРОР ҚИЛАДИ:**

1. “Беш ташаббус олимпиадаси” доирасида маҳаллаларда истикомат килувчи ёшлар ўртасида уч босқичли “Маҳаллалар уюшмаси кубоги” учун гандбол спорт тури бўйича мусобакани ўтказиш тўғрисидаги Низом 1-иловага, мусобаканинг Ташкилий кўмитаси таркиби 2-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

2. “Беш ташаббус олимпиадаси” доирасида маҳаллаларда истикомат килувчи ёшлар ўртасида уч босқичли “Маҳаллалар уюшмаси кубоги” учун гандбол спорт тури бўйича мусобақалар сентябрь – ноябрь ойларида маҳалла жамоалари ўртасида туман/шаҳар, ҳудуд ва республика финал босқичларида ташкил этилсин.

3. Ўзбекистон Маҳаллалари уюшмаси ва унинг ҳудудий бошқарма ҳамда бўлимларига:

а) маҳалла ёшларини спорт мусобақаларида фаол иштирок этишлари, уларнинг саломатлигини тасдиқловчи тиббий хулосага эга бўлишлари ва ҳар бир иштирокчининг спорт кийимлари билан таъминланганлигини назорат қилиш;

б) иштирокчиларни спорт мусобақаси бўлиб ўтадиган жойга йўл ҳаракат хавфсизлигига эътибор берган ҳолда ўз вақтида етиб келишларини таъминлаш;

в) масъул идоралар билан ҳамкорликда жамоат хавфсизлигини, шунингдек, навбатчи тиббий хизматни таъминлаш чораларини кўриш;

г) мусобақанинг республика финал босқичи голиб ва совриндор бўлган жамоаларни тақдирлаш вазифалари юклансин.

4. Спорт вазирлиги ва унинг ҳудудий бошқарма ҳамда спорт мактабларига:

а) Спорт мактаблари ва умумтаълим мактабларининг спорт залларида спорт мусобақалари ўтказиш жойини аниқлаш ва тайёрлаш;

б) Ўзбекистон гандбол федерацияси томонидан жалб этилган малакали спорт ҳакамлари мусобақаларнинг адолатли ўтказишини назорат қилиш;

в) спорт мусобақаларига фахрий спортчиларни, таникли ва машҳур спорт усталарини таклиф этиш;

г) мусобақанинг туман/шаҳар босқичида I-ўринни эгаллаган маҳалла жамоасига (футболка, шортик ва кепка) ҳамда ҳудудий босқич I-II-III-ўринларни эгаллаган маҳалла жамоаларига спорт экипировка (спорт кийим ҳамда спорт сумкаси)лари ажратиш;

д) мусобақанинг якуний республика финал босқичида I-ўринни эгаллаган маҳалла жамоасига “Универсал”, II-ўринни эгаллаган маҳалла жамоасига “Стрит-воркоут” ва III-ўринларни эгаллаган маҳалла жамоаларига “Воркоут” спорт майдончалари қуриш вазифалари топширилсин.

5. Ёшлар ишлари агентлигига:

а) спорт мусобақаси бўйича маҳалла жамоаларини платформадан рўйхатдан ўтказиш ҳамда тарғибот ва ташвиқот ишларини амалга ошириш;

б) маҳалла ёшларини маҳалла фаоллари билан ҳамкорликда мусобақага жалб этиш;

в) Ўзбекистон маҳаллалари уюшмаси билан биргаликда мусобақада томошабинлар иштироки ҳамда мусобақа жойлари безатилишини таъминлаш;

г) мусобақа жараёнларини оммавий ахборот воситаларида ёритиш ишларини ташкил этиш;

д) мусобақанинг республика финал босқичи голиб ва совриндорларини тақдирлаш вазифалари юклатилсин.

6. Ўзбекистон гандбол федерациясига:

а) спорт мусобақаси бўйича тарғибот ва ташвиқот ишларини амалга ошириш;

б) мусобақанинг барча босқичлари учун зарур бўлган спорт инвентарларини Спорт мактаблари билан биргаликда таъминлаш;

в) мусобақанинг барча босқичлари учун малакали ҳакамларни жалб этиш;
г) спорт мактаблари билан биргаликда мусобақада юқори натижаларга эришган ёшларни селекция қилиб олиш ҳамда уларнинг доимий спорт билан шуғулланишлари учун малакали тренерларга бириктириш;

д) саралаб олинган ёшлар орасидан гандбол бўйича туман/шаҳар ва ҳудуд терма жамоаларини шакллантириш вазифалари юклатилсин.

7. Ўзбекистон Маҳаллалари уюшмаси, Спорт вазирлиги, Ёшлар ишлари агентлигининг ҳудудий бошқарма ва бўлимлари, Ўзбекистон гандбол федерацияси 3 кун муддатда мазкур қарордан келиб чиқиб, “Маҳаллалар уюшмаси кубоги” мусобақасининг маҳаллий ва ҳудудий босқичларини вақтида ва сифатли ҳамда кенг қамровли ўтказилишини белгиланган муддатларда таъминлаш вазифаси юклатилсин.

8. Республика Ташкилий кўмитасига мазкур қўшма қарор билан тасдиқланган Низомга мусобақани ўтказиш билан боғлиқ зарур ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш ваколати берилсин.

9. Ўзбекистон Маҳаллалари уюшмаси, Спорт вазирлиги, Ёшлар ишлари агентлигининг ҳудудий бошқарма ва бўлимлари спорт мусобақаси тўғрисида тарғибот-ташвиқот (видеоролик, реклама ва ҳ.к.) ишларини олиб бориш ва мусобақанинг барча босқичларини маҳаллий ва марказий телевидение орқали кенг ёритилишини ташкил этиш тавсия этилсин.

10. Мазкур қарор ижросини таъминлаш Ўзбекистон Маҳаллалари уюшмаси раиси ўринбосари А.Асланов, Спорт вазири маслаҳатчиси Ш.Моминджанов, Ёшлар ишлари агентлиги директорининг биринчи ўринбосари Д.Қаттаханова ҳамда Ўзбекистон Гандбол федерацияси бош қотиби И.Матхаликовлар зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Маҳаллалари уюшмаси
раиси**

2024 йил 22 август № 08.06/26

**Ўзбекистон Республикаси
Спорт вазири**

2024 йил 22 август № 21-К/15

**Ўзбекистон Республикаси
Ёшлар ишлари агентлиги
директори**

2024 йил 22 август № 01-07/25

**Ўзбекистон Гандбол федерацияси
Бош қотиби**

2024 йил 22 август № 02



К. Куранбаев



А. Икромов



А. Саъдуллаев



И. Матхаликов

Handwritten signature in blue ink.

Ўзбекистон Маҳаллалари Уюшмаси,
Спорт вазирлиги, Ёшлар ишлари агентлиги
хамда Ўзбекистон Гандбол федерациясининг
2024-йил “22” - августдаги
№: 06/26, 21-к/к, 0107/25 01 -сонли қўшма қарорига
1-ИЛОВА

**“Беш ташаббус олимпиадаси” доирасида маҳаллаларда
истиқомат қилувчи ёшлар ўртасида уч босқичли “Ўзбекистон
Маҳаллалари уюшмаси кубоги” учун гандбол спорт тури
бўйича мусобакани ўтказиш**

Н И З О М И

Тошкент - 2024 йил

“Беш ташаббус олимпиадаси” доирасида маҳаллаларда истиқомат қилувчи ёшлар ўртасида уч босқичли “Ўзбекистон Маҳаллалари уюшмаси кубоги” учун гандбол спорт тури бўйича мусобақани ўтказиш

НИЗОМ

I. Умумий қоидалар.

Мазкур Низом спортнинг гандбол тури бўйича маҳаллаларда истиқомат қилувчи ёшлар ўртасида уч босқичли мусобақани (бундан буён матнда мусобақа деб юритилади) мақсади ва асосий вазифалари, спорт мусобақасини ташкил этиш ва бошқариш, ўтказишга раҳбарлик қилиш, молиялаштириш, шунингдек, мусобақа ғолиб ва совриндорларини тақдирлаш тартибини белгилайди.

II. Спорт мусобақасининг мақсад ва вазифалари.

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 11 апрелдаги “Маҳаллаларда ёшларни оммавий спортга жалб қилишни янги босқичга олиб чиқиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-201 - сон Қарори, 2024 йил 21 февралдаги “Ўзбекистон - 2030” стратегиясини “Ёшлар ва бизнесни қўллаб-қувватлаш йили”да амалга оширишга оид давлат дастури тўғрисида”ги ПФ-37-сон Фармони 34-мақсади ҳамда маҳаллаларда ёшлар ўртасида оммавий спорт мусобақаларини тизимли ташкил этиш орқали соғлом турмуш тарзини кенг тарғиб қилиш, уларни оммавий спортга жалб этишни янги босқичга олиб чиқиш, **2022-2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг таракқиёт стратегияси 67-мақсадида** белгиланган вазифаларнинг ижросини таъминлашдан иборат.

2. Маҳаллаларда истиқомат қилувчи ёшларни оммавий спорт билан мунтазам шуғулланишлари учун механизм яратиш.

3. Худудлардаги маҳаллаларда оммавий спорт мусобақасини ўтказиш орқали айниқса, қишлоқ жойларда ёшлар ва уюлмаган ёшларни бўш вақтларини мазмунли ташкил этиш, жиноятчиликни олдини олиш, соғлом турмуш тарзини шакллантириш, ёшларни жисмонан соғлом ва ҳар томонлама баркамол қилиб вояга етказиш мақсадида маҳалла, сектор, туман (шаҳар) ва худудий маҳалла терма жамоаларини шакллантириш.

4. Маҳаллаларда истиқомат қилувчи ёшлар ва уюлмаган ёшлар ўртасида оммавий спорт мусобақасини ташкил этиш ва ўтказиш орқали, улар орасидан жисмонан бақувват, иқтидорли, туғма истеъдоди бор ёшларни саралаш (селекция) орқали спорт таълим муассасаларида мунтазам равишда спорт билан шуғулланишлари учун жалб қилишдан иборат.

III. Спорт мусобақасини ўтказиш тартиби.

1. “Беш ташаббус олимпиадаси” доирасида маҳаллаларда истиқомат қилувчи ёшлар ўртасида **уч босқичли 17-30 ёшдаги ёшлар ўртасида гандбол спорт мусобақаси ўтказилади.**

Гандбол спорт мусобақаси **сентябрь - ноябрь** ойларида тасдиқланган режа асосида ташкил этилади.

а) Туман/шаҳар I-босқич 15-30 сентябрь;

б) Худудий II-босқич 10-18 октябрь

в) Республика финал III-босқич 3-6 ноябрь

2. Гандбол спорт тури бўйича мусобақанинг ташкил этилиши маҳаллаларда истиқомат қилувчи ёшлар ўртасида мусобақалар **уч босқичда ўтказилади.**

Мусобақанинг **биричи маҳалла жамоалари ўртасида туман/шаҳар босқичи** – бир маҳалла доирасида истиқомат қилувчи, спорт тури бўйича ёш тоифасига мос келувчи ёшлар ўртасида ташкил этиладиган **саралаш босқичи мусобақаларидан иборат.** Ушбу босқичда ғолиб бўлган маҳалла жамоаси кейинги босқичларида маҳалласи номидан иштирок этиш ҳуқуқига эга бўлади.

Мусобақанинг **иккинчи маҳалла жамоалари ўртасида - худудий босқичи** ушбу босқичда туман/шаҳар босқичида ғолиб бўлган маҳалла жамоалари мусобақанинг кейинги босқичида иштирок этиш ҳуқуқини қўлга киритади.

Мусобақанинг **учинчи худудий босқичида ғолиб бўлган маҳалла жамоалари мусобақанинг Республика финал босқичида иштирок этишади.**

3. “Беш ташаббус олимпиадаси” доирасида маҳаллаларда истиқомат қилувчи ёшлардан таркиб топган маҳалла жамоалари мазкур мусобақанинг куйи босқичларида **(маҳалла жамоалари туман (шаҳар) ва худудий босқич)да ғолиб бўлган жамоалар республика финал босқич мусобақасида иштирок этишига рухсат берилади.**

Бунда, ушбу талабларга риоя қилмаган куйи босқич мусобақаларида иштирок этмаган маҳалла жамоалари мусобақада **иштирок этишига йўл қўйилмайди.**

4. Юқори кўрсаткичга эга бўлган спорт унвони ва разряди бўлган **(1-2-3 катталар спорт разряди, спорт усталигига номзодлар, спорт усталари ва халқаро тоифадаги спорт усталари)** спортчиларнинг уч босқичли спорт мусобақасида **иштирок этишлари қатъиян таъқиқланади.**

Шундай ҳолатлар аниқланган тақдирда ушбу маҳалла жамоаларининг натижалари **бекор қилинади ва мусобақадан четлаштирилади.**

Шунингдек, маҳалладаги ёшлар етакчилари, спорт мактабларининг тренерлари, умумтаълим мактабнинг жисмоний тарбия фан ўқитувчилари

махалла жамоаси таркибида спортчи сифатида иштирок этишлари ҳамда спорт унвони ва **1-2-3 разряди** бошқа спорт туридан бўлган спортчилар мусобақада иштирок этишлари таъқиқланади.

5. Уч босқичли спорт мусобақасида иштирок этадиган ёшлар яшаш манзили бўйича **махаллада доимий рўйхатдан** (*мусобақа низоми тасдиқланишидан 1 ой олдин*) ўтган бўлишлари шарт.

Уч босқичли спорт мусобақасида иштирок этадиган ёшлар **бир маҳаллада истиқомат қилиб** доимий рўйхатдан ўтган бўлса, **бошқа маҳалла номида** ушбу мусобақаларда иштирок этиши таъқиқланади.

IV. Спорт тури ва ёш тоифалари бўйича мусобақани ташкил этиш ҳамда иштирокчилар сони

Уч босқичли спорт мусобақани Гандбол спорт тури бўйича амалдаги мусобақа қоидалари асосида, бош ҳакамлар ҳайъати томонидан ўтказилади.

Мусобақани ўтказиш учун бош ҳакамлар ҳайъати таркиби туман/шаҳар миқёсида Туман (шаҳар) ёшлар ишлари бўлими ҳамда Спорт мактаби директорлари, ҳудудий босқич мусобақаларида Қорақалпоғистон республикаси Спорт вазирлиги, вилоятлар ва Тошкент шаҳар спорт бошқармалари томонидан шакллантирилади ҳамда тасдиқланади.

Гандбол

Мусобақа Ўзбекистон Гандбол федерациясининг амалдаги қоидалари асосида, **17 - 30 ёшли** ўсмирлар ўртасида ўтказилади. Ҳудудий ва республика финал босқичи мусобақалари гуруҳларга бўлинган ҳолатда ўтказилади. Гуруҳ босқичида ғолиб бўлган жамоалар ярим финалда иштирок этади.

Бунда ғолиб бўлган жамоалар биринчи ўрин учун, мағлуб бўлган жамоалар учинчи ўрин учун баҳслашади.

Мусобақада ҳар бир жамоадан **10 нафар** эркак иштирок этади, делегация таркибига **1 нафар** мураббий ва **1 нафар** жамоа раҳбари киритилади.

Мусобақа туман/шаҳар босқичлари икки бўлим **30 дақиқа**, бунда ҳар бир бўлим **15 дақиқадан** иборат бўлади.

Ҳудудий босқич мусобақалари икки бўлим **40 дақиқа**, бунда ҳар бир бўлим **20 дақиқадан**.

Республика финал босқичи икки бўлим **50 дақиқа**, бунда ҳар бир бўлим **25 дақиқадан** ўйинлар ўтказилади.

Мусобақанинг гуруҳ босқичида икки ёки ундан ортиқ жамоаларнинг тўплаган очколари тенг бўлса, ўринлар қуйидаги кўрсаткичлар кетма-кетлиги бўйича аниқланади:

- ўзаро учрашувлар натижаси бўйича;**
- урилган ва ўтказиб юборилган тўплар нисбати бўйича;**
- урилган тўплар кўплиги бўйича.**

Жамоаларнинг юқорида келтирилган барча **кўрсаткичлари бир хил бўлса**, ўринлар етти метрлик жарима тўпини **5 маротабадан** дарвозага йўналтириш билан **аниқланади**.

Ярим финал ҳамда финал босқичида 1 тадан учрашувдан иборат бўлади ва бунда эҳтимолий дуранг натижа қайд этилса, ғолиб номи етти метрлик жарима тўпини **5 маротабадан** дарвозага йўналтириш орқали **аниқланади**.

Мусобақанинг республика финал босқичида ҳудудий мусобақаларда биринчи ўринни эгаллаган маҳалла жамоалар ўртасида ўтказилади.

Гандбол бўйича мусобақалар ушбу Низом қоидалари асосида ташкил этилади.

VI. Спорт мусобақасини ташкил этиш ва ўтказишга раҳбарлик қилиш

Маҳаллаларда истиқомат қилувчи ёшлар ўртасида ўтказиладиган “Ўзбекистон Маҳаллалари уюшмаси кубоги” мусобақасини мазкур Низом талаблари асосида ўтказилишини таъминлаш учун **маҳалла жамоалари – туман/ шаҳар босқичида** маҳалла ёшлар етакчилари ҳамда маҳаллага бириктирилган тренерлар, ёшлар ишлари бўлими ҳамда Спорт мактаб директорлари; **ҳудудий босқич** мусобақаларини ташкил этишда ҳудудий Маҳалла уюшмаси бошқармалари, Қорақалпоғистон Республикаси Спорт вазирлиги, вилоятлар ва Тошкент шаҳар спорт бошқармалари, шунингдек, Қорақалпоғистон Республикаси Ёшлар ишлари агентлиги, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ёшлар ишлари бошқармалари масъул ҳисобланади.

Маҳаллаларда истиқомат қилувчи ёшлар ўртасида ўтказиладиган мусобақаларда иштирок этиш учун маҳалла жамоаларини шакллантириш ва иштирокини таъминлаш Маҳалла раислари бошчилигида “Маҳалла еттилиги” ҳамда маҳаллага бириктирилган тренерлар зиммасига юклатилади.

Уч босқичли спорт мусобақасининг ҳудудий босқичида иштирок этиш учун маҳалла жамоаларни келиб кетишлари билан боғлиқ бўлган йўл харажатлари **маҳаллалар уюшмасининг туман/шаҳар бўлимлари** зиммасига юклатилади.

Уч босқичли спорт мусобақасининг ғолиб ва совриндорларини аниқлаш мусобақа қоидалари ва мазкур Низом асосида амалга оширилади.

VII. Спорт мусобақасида иштирок этадиган жамоалар таркиби

Гандбол спорт тури бўйича мусобақа қоидалари ва мазкур Низом асосида ташкил этилади ва ўтказилади.

Уч босқичли спорт мусобақасида маҳаллаларда яшаш манзилида доимий рўйхатдан ўтган ёш тоифаси бўйича спорт турига мос келувчи ўсмирларни иштирок этишига руҳсат берилади.

Қоида тарикасида, спорт турида иштирокчиларнинг ёш тоифаси

биринчи босқич мусобақалари бошлангунга қадар мусобақада иштирок этиш бўйича белгиланган ёшга тўлган (шунингдек, белгиланган ёшдан ошиб кетмаган) бўлишлари шарт.

Бунда: биринчи босқичда ёши мос келган, учинчи босқич республика финал мусобақалари бошланиши арафасида иштирокчини ёши тўғри келмаса, яъни белгиланган ёшдан ошган бўлса ҳам, уларга истисно тариқасида мусобақада иштирок этишга рухсат берилади.

VIII. Спорт мусобақасининг ғолиб ва совриндорларини аниқлаш ва тақдирлаш тартиби.

Гандбол спорт тури бўйича мусобақада ғолиб ва совриндорлар куйидагича тақдирланади:

Маҳалла жамоалари – туман/шаҳар босқич мусобақаларида ғолиб бўлган спортчиларни Спорт вазирлиги томонидан **футболка, шортик ва кепка** ҳамда Сектор раҳбарлари ва туман (шаҳар) ёшлар ишлари бўлимлари томонидан **I, II, III даражали диплом** билан;

Туман (шаҳар)лараро ҳудудий босқич мусобақаларида ғолиб ва совриндор бўлган спортчиларга Спорт вазирлиги томонидан спорт экипировка (спорт кийими ва сумка)лар, ҳудудий Маҳаллалар Уюшмаси бошқармалари ҳамда ҳокимликлар томонидан **I, II, III даражали дипломлар**;

Республика финал босқич мусобақасида Ўзбекистон Маҳаллалари уюшмаси, Ёшлар Ишлари агентлиги томонидан **I, II, III даражали диплом, медал ва эсдалик совғалар** билан тақдирланади.

IX. Спорт мусобақасини молиялаштириш.

Гандбол спорт мусобақасини маҳалла, туман(шаҳар) ва ҳудудий босқич мусобақаларини очилиш ва ёпилиш маросимларини юқори савияда ташкил этиш, ғолиб ва совриндорларни тақдирлаш маросимини ташкил этиш билан боғлиқ бўлган харажатлар маҳаллий ва ҳудудий ҳокимликлар томонидан, республика (*финал*) босқич мусобақалари Ўзбекистон Маҳаллалари уюшмаси ҳамда Ёшлар ишлари агентлиги томонидан;

Мусобақани оммавий ахборот воситаларида кенг ёритилишини таъминлаш Ёшлар ишлари агентлиги томонидан;

Мусобақани ўтказиладиган спорт иншоотлари ва уларни керакли спорт жиҳозлари, ҳакамлар таркиби билан таъминлаш Спорт вазирлиги ва ҳудудий бошқармалари томонидан таъминланади.

X. Талабномаларни бериш тартиби ва муддати.

Мусобақанинг босқичларида иштирокчилар рўйхати маҳалла раислари, маҳалла ёшлари етакчилари, тренерлар ва жисмоний тарбия фани ўқитувчилари томонидан ҳар бир иштирокчи учун тегишли ҳужжат (**шахсни**

тасдиқловчи ҳужжат – паспорт ёки ID-карта, 3x4 ҳажмдаги сурат)лар мусобақа бошланишидан **3 кун олдин** спорт мактабнинг оммавий бўйича директор ўринбосарларига ва туман (шаҳар) ёшлар ишлари бўлимларига тақдим этилади.

Спорт тури бўйича талабнома асл нусхаси мусобақа ўтказиладиган куни мандат комиссиясига тақдим этилиши шарт.

Спорт мусобақасининг иштирокчилари рўйхати ёшлар етакчилари томонидан шакллантирилади ва Туман (шаҳар) ёшлар ишлари бўлими ҳамда спорт мактаби раҳбарлари томонидан тасдиқланади.

Ушбу рўйхат ўрнатилган тартибда бош ҳакамлар ҳайъатига тақдим этилади.

Рўйхатда спортчи, тренерлар, спорт жамоалари раҳбарлари бўлиши шарт.

Спорт мусобақасига четдан (*рўйхатда бўлмаган*) жалб қилинган иштирокчилар спорт мусобақаларига қўйилмайди. Шундай ҳолат бўлган тақдирда жамоа мусобақадан четлаштирилади ва барча натижалари бекор қилинади.

Мусобақа иштирокчилари ва тренерлар томонидан мусобақа жараёнида ёки жамоа ўртасида тартиб интизом қоидалари бузилган тақдирда, уларга нисбатан мусобақа ташкилотчилари томонидан белгиланган тартибда тегишли чоралар кўрилади.

Жамоа аъзоларининг йўл ҳаракати хавфсизлиги, мусобақа ўтказиш жойларида одоб ахлоқ қоидаларига амал қилишларига жамоа раҳбари масъул ҳисобланади.

Гандбол спорт тури бўйича мусобақада иштирок этадиган жамоалар мусобақа бошланадиган куннинг **биринчи куни соат 20-00 қадар** мандат комиссиясидан ўтишлари шарт. Мандат комиссиясига белгиланган муддатдан кеч қолиб келган жамоаларнинг мусобақада иштирок этишига рухсат берілмайди.

XI. Низоларни ҳал этиш.

Мусобақа иштирокчилари томонидан Низом талаблари бузилган ҳолларда, мусобақада иштирок этаётган маҳалла жамоасининг натижаси бекор қилиниб, ушбу иштирокчилар мусобақадан четлаштирилади.

Мусобақани ўтказиш жараёнида (*иштирокчи томонидан*) мусобақа ўтказиш учун тўсқинлик қилинган ҳолларда, жамоа ёки иштирокчи томонидан келиб чиқадиган барча норозилик бўйича ёзма равишдаги мурожаатлар **мусобақа тугагандан сўнг 1 соат муддатда** бош ҳакамлар ҳайъатига тақдим этилиши шарт.

Бош ҳакамлар ҳайъати томонидан норозилик бўйича ёзма равишда тақдим этилган мурожаатлар **24 соат (1 сутка) ичида кўриб чиқилиб**, ушбу

ҳолат бўйича ҳукукий баҳо берилади.

Спорт мусобақалари яқунлангандан сўнг оғзаки ёки ёзма равишдаги норозилик бўйича мурожаатлар ва ҳар қандай шикоятлар қабул қилинмайди ва кўриб чиқилмайди.

ХII. Яқуний қоидалар.

Мусобақани ўтказиш юзасидан Спорт вазирлиги томонидан спорт мусобақаси Низомига ўзгартириш ва қўшимчалар киритилиши мумкин.

Мусобақанинг барча босқичлари мусобақалар ўтказиладиган ҳудуддаги давлат тасарруфидаги ва хусусий спорт иншоотларида ўтказилади.

Мусобақанинг барча босқичи даврида маҳалла жамоаларининг спортчилари тренерлар ва бириктирилган раҳбарларининг жавобгарлиги остида бўладилар.

Мусобақада иштирок этувчи барча спортчилар:

- махсус спорт кийимларида бўлишлари;
- ўз рақибларига ва ҳакамларга нисбатан ҳурматда бўлишлари, ҳалол ва адолатли тамойиллар асосида кураш олиб боришлари, спорт мусобақасини ўтказиш маданиятини бузилишига йўл қўймасликлари;

- ҳудудларда ташкил қилинган спорт тури бўйича мусобақа иштирокчилари тиббий кўрикдан ўтган бўлишлари шарт.

“Беш ташаббус олимпиадаси” доирасида маҳалла ёшлари ўртасида ташкил этилаётган уч босқичли “Ўзбекистон Маҳаллалари уюшмаси кубоги” учун Гандбол спорт тури бўйича оммавий спорт мусобақасида иштирок этиш хоҳиш ва истаги бўлган маҳалла ёшларини иштирокига жойлардаги маҳалла ёшлар етакчилари платформа рўйхатидан ўтказишга масъул ҳисобланади.

Маҳалла ёшлар етакчилари томонидан маҳалла ёшларини спорт тури бўйича мусобақаларда иштирок этиши учун жамоаларни шакллантириш, тайёрлаш ва тегишли шароитлар билан таъминлашга спорт таълим муассасалари директорлари, уларнинг оммавий спортни ривожлантириш бўйича ўринбосарлари ва Гандбол спорт тури бўйича тренерлар масъул ҳисобланади.

Мусобақанинг барча босқичларида голиб бўлган маҳалла жамоаларни босқичдан босқичга ўтказиш бўйича, туман/шаҳар босқичида маҳаллалардаги ёшлар етакчилари, спорт таълим муассасалари директорларининг оммавий спортни ривожлантириш бўйича ўринбосарлари, ҳудудий босқич мусобақаларида голиб ва совриндор бўлганларни ҳудудий Спорт бошқармаси мутахассислари томонидан амалга оширилади.

“Беш ташаббус олимпиадаси” доирасида ўтказиладиган уч босқичли “Ўзбекистон Маҳаллалари уюшмаси кубоги” учун гандбол спорт мусобақалари Оммавий ахборот воситаларида кенг ёритиб борилади.

Ташкилий қўмита

Ўзбекистон маҳаллалари уюшмаси,
Спорт вазирлиги, Ёшлар ишлари агентлиги
ҳамда Ўзбекистон Гандбол федерациясининг
2024 йил “22” августдаги
08-06/26, 21-44, 01-01/25, 01 -сонли қўшма қарорига
2-ИЛОВА

“Беш ташаббус олимпиадаси” доирасида маҳаллаларда истиқомат
килувчи ёшлар ўртасида уч босқичли “Ўзбекистон Маҳаллалари уюшмаси
кубоги” учун гандбол спорт тури бўйича мусобаканинг

РЕСПУБЛИКА ТАШКИЛИЙ ҚЎМИТА ТАРКИБИ

№	Ф.И.Ш.	Иш жойи ва лавозими
1.	К.К. Куранбаев	Ўзбекистон Маҳаллалари уюшмаси раиси, Республика ташкилий қўмига раиси
2.	А.И. Икрамов	Ўзбекистон Республикаси Спорт вазир
3.	А.З. Саъдуллаев	Ўзбекистон Республикаси Ёшлар ишлари агентлиги директори
4.	А.У. Асланов	Ўзбекистон Маҳаллалари уюшмаси раисининг ўринбосари
5.	Д.С. Каттаханова	Ўзбекистон Республикаси Ёшлар ишлари агентлиги директорининг биринчи ўринбосари
6.	Ш.Ф. Моминджанов	Ўзбекистон Республикаси Спорт вазирининг маслаҳатчиси
7.	И.И. Матхаликов	Ўзбекистон Гандбол федерацияси Бош котиби
8.	Лавозимига кўра	Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар кенгаши раиси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимларининг Ёшлар сиёсати, ижтимоий ривожлантириш ва маънавий-маърифий масалалари бўйича ўринбосари

Изоҳ: Ташкилий қўмига аъзолари бошқа ишга ўтган тақдирда, унинг таркибига ушбу лавозимга
янгидан тайинланган шахслар киритилади.

Ўзбекистон Маҳаллалари Уюшмаси,
Спорт вазирлиги, Ёшлар ишлари агентлиги
хамда Ўзбекистон Гандбол федерациясининг
2024-йил “22” - августдаги
08.08/26, 21-кк, 01.07/25, 01 -сонли қўшма қарорига
2/ИЛОВА

**“Беш ташаббус олимпиадаси” доирасида маҳаллаларда истикомат қилувчи ёшлар ўртасида уч босқичли “Ўзбекистон Маҳаллалари уюшмаси кубоги” учун гандбол спорт тури бўйича мусобаканинг
ХУДУДИЙ ТАШКИЛИЙ ҚЎМИТА ТАРКИБИ**

№	Ф.И.Ш.	Иш жойи ва лавозими
1.	Лавозимига кўра	Ўзбекистон Маҳаллалари уюшмаси Худудий бошқарма бошлиғи, Худудий ташкилий қўмига раиси
2.	Лавозимига кўра	Ёшлар ишлари агентлигининг Худудий бошқарма бошлиғи
3.	Лавозимига кўра	Худудий Спорт бошқарма бошлиғи
4.	Лавозимига кўра	Ўзбекистон Маҳаллалари уюшмаси Худудий бошқарма бошлиғининг ўринбосари
5.	Лавозимига кўра	Ўзбекистон Гандбол федерацияси худудий бўлими бошлиғи, котиб
6.	Лавозимига кўра	
7.	Лавозимига кўра	

Изоҳ: Ташкилий қўмига аъзолари бошқа ишга ўтган тақдирда, унинг таркибига ушбу лавозимга янгидан тайинланган шахслар киритилади.